



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

6
2024

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2024

Boish muҳarrir:
Низомиддин МАҲМУДОВ

Taҳrīr xāйъатi:
Максуд АСАДОВ
Рахматулла БАРАКАЕВ
Ғулом ИСМОИЛОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдана ЛУТФУЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(боиш муҳаррир ўринбосари)
Сувон МЕЛИ
Ёрқинжон ОДИЛОВ
Манзура ОТАЖНОВА
Эргаш ОЧИЛОВ
(масъул котиб)
Гулчехра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқиҷон ТЎҲЛИЕВ
(боиш муҳаррир ўринбосари)
Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдана ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ

Боқијон ТЎХЛИЕВ,
Илёс ИСМОИЛОВ

**ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ ВА УНИНГ
“ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО” АСАРИ ҲАҚИДА**

Давлатшоҳ Самарқандий (1435 – 1495, 1507) – Марказий Осиёдаги қадимий мутафаккирлар силсиласида муносиб ўрин тутадиган қомусий олимлардан бири. У тарихчи, адабиётшунос, бадиий ижод оламининг ҳассос вакили сифатида шуҳрат қозонган. Унинг “Тазкират ут-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”) асари жуда катта тарихий-адабий аҳамиятга эга. Унда араб, форстожик ҳамда туркий адабиётнинг 150 дан ортиқ муаллифлари ҳақида гап боради. Китобдаги факт ва материалларнинг асосий қисми ниҳоятда нодир ва бебаҳодир. Уларнинг катта қисми бошқа бирор тарихий-адабий манбаларда учрамайди. Унда X–XV асрлар оралиғида минтақада кечган тарих, адабиёт тарихи, адабий жараён, мумтоз поэтикага доир қимматбаҳо кузатишлар ўз аксини топган. Энг муҳими, тазкира темурийлар даври тарихи ва адабий манбашунослиги бўйича фавқулодда аҳамиятга эга бўлган муҳим илмий манба ҳамdir.

Муаллиф ижодкорларнинг энг муҳим хислати ва фазилатларини тилга олади, уларнинг таржимаи ҳолига оид энг муҳим факт ва далилларга мурожаат этади. Ўрни-ўрни билан эса айрим адабий асарларнинг бадиий-эстетик қиммати ҳақида ўзининг нодир кузатишларини билдириб ўтади. Айни мана шу лавҳалар китобнинг ишончлилигини ҳам, баркамоллигини ҳам таъмин этади. Факт ва материаллар адибнинг кўплаб тарихий ва адабий манбалардан фойдаланганини кўрсатиб туради.

Биз учун асардаги кўплаб ижодкорлар мансуб бўлган адабий мактаблар, қалам ахлининг дунёқараси, адабий-эстетик қарашлари, адабиёт тарихида тутган ўрни борасидаги қайдлар жуда муҳим. Айниқса, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро сингари йирик сиймолар ҳақидаги фасллар жуда катта қизиқиши билан ўқилади. Китобдан Фараздақ ан-Наждий, Мутанаббий, Абулаъло ибни Сулаймон ал-Маарий, Ҳаририй, Рудакий, Унсурий, Масъуд ибни Саъди Салмон, Фирдавсий, Низомий Арузий Самарқандий, Носир Ҳусрав, Азракий, Рашидиддин Ватвот, Адиг Собир Термизий, Сўзаний Самарқандий, Асириддин Ахсикатий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Фаҳриддин Ироқий, Бадри Жожармий (Шоший), Фаҳриддин Банокатий, Ҳусрав Дехлавий, Ҳожу Кирмоний, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Убайд Зоконий, Ҳофиз Шерозий, Камол Ҳўжандий, Қосим Анвор, Бисотий Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Шайх Озарий, Юсуф Амирий ва бошқалар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар жой олган.

Табиийки, тазкирадаги адабий жанрлар, хусусан, қасида, ғазал, қитъа, рубоий, муаммо ва бошқа шеърий шакллар ҳақидаги саҳифалар ҳам адабиёт мухлисларида алоҳида қизиқиши ўйғотади.

МУНДАРИЖА

Увайсий таваллудининг 245 йиллиги

М.Асадов. Увайсий шеъриятида дард аҳли талқини.....	3
Қ.Эргашев. Увайсий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ айрим масалалар хусусида.....	9
У.Қобилов. Увайсий ижодида Юсуф ва Зулайхо мавзуси.....	15
Э.Очилов. Увайсий ижодида Навоий анъаналари.....	21
Б.Ражабова. Увайсийнинг радиф қўллаш маҳорати	27
С.Рафиддинов. Увайсийнинг ирфоний қарашлари.....	33
З.Абдураҳмон. Увайсийнинг "Карбалонома" достони	39

Илмий ахборот

Ф.Каримова. Форс-тожик адабиётида дебочанавислик	44
Д.Қувватова, Н.Ўроқова. Илмий тафаккур манзаралари.....	49
Қ.Йўлчиев. Лирик жанрлар таснифи муаммоси.....	59
Л.Шарипова. Жамол Камол маҳоратининг баъзи кирралари.....	67
А.Даврон. Исмоил Гаспрали ва Ҳамза Ҳакимзода	72
С.Ҳамдамова. Муҳаййир ижодида халқона оҳанглар.....	76
Н.Эшназарова. Ўзбек халқ эртаклари таснифи	79
К.Пайзиев. Абдулла Орипов публицистикасида ёш ижодкорларга муносабат	83
В.Султонова. ИброҳимFaфуровнинг Машраб ҳақидаги ҳикоялари.....	87
А.Сулейманли. Эркин Воҳидов "Ўзбекистон" фахриясининг гоявий-бадиий хусусиятлари	92
С.Турдиев. Хайрил Анвар шеъриятида рамзлар.....	97
Ф.Равшанова. Маҳаллий тилларнинг социолингвистик таснифи	100
С.Қудратова. Ўзбекистон шароитида лисоний ҳархиллик.....	104
М.Усмонова. Амалий тилшунослик ҳақида мулоҳазалар.....	108
Л.Мирзажонова. Нутқий фаолият феълларида социал семанинг ифода этилиши.....	111

Мерос

Б.Тўхлиев, И.Исмоилов. Давлатшоҳ Самарқандий ва унинг "Тазкират уш-шуаро" асари ҳақида.....	114
Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Дебоча.....	115